Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
28 сентябрь
ЧОРШАНБА

№ 77
(12.401)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

ҲОЗИРЧА ЎТТИЗ БОШ

Айни пайтда вилоятдаги кўпгина фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ сифатида чорвачилик йўлга қўйилмоқда.

Тумандаги "Ҳамидов Шуҳрат" фермер хўжалиги ҳам шулардан бири. Яқинда хўжаликда чорвачилик фермаси ташкил этилди. Бунинг учун хўжаликнинг 150 миллион сўмлик маблағи хисобидан 30 бош наслли қорамол келтирилди.

Натижада бу ерда 5 та қўшимча иш ўрни вужудга келди.

Ғанишер РАҲМАТОВ.

ДАЛАДА УЧРАШУВ

«Пискент ҳаёти» газетаси таҳририяти ходимлари тумандаги «Майлобод» маҳалласи аҳолиси билан ижодий учрашув ўтказди.

Пахтазорда ташкил этилган бу дийдорлашувда обуна мавсуми бошланиши олдидан газета, унда эълон қилинадиган мақолалар муаллифлари ҳақида сўз борди. Муштарийлар учрашув давомида долзарб мавзулар хусусида фикр алмашдилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Пахтазорлардаги бундай учрашувларни бошқа маҳалла ва меҳнат жамоаларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИГА МАСЪУЛМИЗ

Туман хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида ўқувчи-ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар уюштирилмоқда.

12-, 7-, 5-, 9-, 27-, 28-умумтаълим мактабларида ўтказилган тадбирларда диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлардан сақланиш каби мавзуларда фикр юритилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирлар савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой бўлди.

ТАҲЛИЛ МАРКАЗИ ЎЗИМИЗДА

Ғазалкент шаҳридаги "Sinter-MEDIA" хусусий фирмаси қошида тиббий таҳлил ўтказиш маркази ишга тушди.

Марказда барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё қилинган ҳамда замонавий таҳлил ускуналари билан таъминланган. Шунингдек, унинг очилиши муносабати билан тўрт киши ишли бўлди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

КАСАНАЧИЛИКНИНГ ФОЙДАСИ КАТТА

"Ўзбекистон пахта тозалаш корхонаси"да касаначилик меҳнати йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда қирққа яқин фуқаро ўз хонадонида маҳсулот ишлаб чиқариб, корхонани зарур кийим-кечак, турли анжом, керакли буюмлар билан таъминламоқда.

Эътиборлиси шуки, касаначиларга яхши иш ҳақи ҳам тўланяпти.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ

Ёнариқ қишлоғининг «Янги ҳаёт» маҳалласида янги савдо мажмуаси иш бошлади.

Тадбиркор Д. Эгамбердиев ташаббуси билан очилган мажмуада озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хўжалик моллари савдога қўйилган.

Дўкон ишга тушиши билан қишлоқ аҳли рўзғор учун зарур маҳсулот ва буюмларни шу ернинг ўзида харид қилиш имконига эга бўлди.

Ирода МАҚСУД қизи.

2012 йил учун
ОБУНА
бошланди
«Тошкент ҳақиқати»
газетаси индекси – 205.

ПАХТА – 2011

ҲАММА ХИЗМАТ ДАЛА БОШИДА

Вилоятимизда пахта йиғим-терими авж паллага кирди. Бугун, беистисно, барча туман пахтазорлари терим иштирокчилари билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Фермер хўжаликлари аъзолари бутун оилалари билан эрта тонгданоқ далага чиқиб, терим суръатини кун сайин оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Жойларда уюшмаган аҳоли ҳам фермер хўжаликларига етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишлари учун ихтиёрий тарзда баҳоли қудрат ёрдам бераяпти. Бунга жавобан фермерлар терим иштирокчиларига барча зарур шарт-шароитларни яратишган. Ҳамма хизмат турлари бугун далаларга кўчирилган десак муболаға бўлмайди. Айрим ишбилармон фермерлар кунлик терим ҳақини бевосита дала бошида тўлаб, теримчиларни янада руҳлантирмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, қаерда йиғим-терим билан боғлиқ ишлар оқилона ташкил этилаётган бўлса, ўша ерда кунлик суръат ҳам юқори бўлаяпти. Масалан, Чиноз тумани пахтакорлари ҳар йилгидек, кунлик теримда ҳам, марра сари илдам яқинлашишда ҳам вилоятда карвонбошилик қилишяпти. Бекобод, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ туманлари ҳам теримни бўшаштирмаяпти.

Пискент туманидаги "Тожиаҳмад" фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини қисқа муддатда бажарди. 30,1 гектар майдондан кечаги кунгача шартномадаги 80,7 тонна ўрнига 82,3 тонна юқори навли хом ашё топширилди.

– Яна камида 25 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш ниятида теримни жадал давом эттираяпмиз, – дейди фермер Давлат Тожиаҳмедов. – "Омад" навли чигитни қўшқаторлаб экканимиз яхши самара бериб, ҳар йилгидан анча мўл ҳосил етиштирдик. Биз «Қизилсой» маҳалласи аҳлидан ғоят миннатдормиз. Улар кўнгилли равишда теримга чиқиб, оғиримизни енгил қилишаяпти.

Пахта штабидан маълум қилишларича, кейинги икки-уч кун ичида яна ўнлаб фермер хўжаликлари шартнома мажбуриятларини бажаришга эришди.

Бекобод тумани

"Абдураҳмон", "Қурбон Иброҳимов", "Ғафуржон агро", "Шавкат шамс агро", "Мамасоли Мўмин", "Барака-С", "Турдали Нурали", "Назарбой агро", "Мадаминов Бахтиёр", "Мустафоқул агро", "Асрор Маруфжонов", "Музаффар Аббос", "Ислом Исмат агро", "Шериев Мамадали", "Файз", "Холмуродов Ғайбулло", "Чаноқ ота", "Озодбек Ўктамбек омад", "Тиллабек Аҳмадбек омад", "Эшонқул файз агро", "Маманазар ота", "Одил Б", "Етти мўъжиза".

Оққўрғон тумани

"Кўкбар Тўбе", "Бердиёр Ёрқинжон", "Мусурмонжон Йўлдошев", "Бойназаров Жасурбек", "Зебо Шоҳиста файз", "Эгамбердиев Карим АГРО".

Янгийўл тумани

"Мирзажон баққол", "Собиржон Саминжон", "Болғабоев Ўроз".

Пискент тумани

"Генетика", "Содиқ чорва", "Омад Нуров", "Шукуруллаев Қозоқ", "Мирзаев Ҳусан", "Файзиев Аюбжон", "Қурбонов Жўра", "Шуҳрат Дўстбеков", "Ғафурова Гулчеҳра Абдурашид", "Йўлдошев Озод", "Эшонов Акмалхон", "Назирқул ота", "Отақўзиев Нурали", "Мунаввар Исоқова", "Пўлатов Аҳмаджон", "Қодирқулов Ғайрат", "Қўшоқова Марям", "Иномов Қодир", "Марупов Ахрор", "Лочин", "Суюнов Абдусамад", "Чинор", "Иноятов Бекзод", "Зафар", "Эркин", "Абдужамил", "Умаров Турдибой", "Турдиев Абдужалил".

Юқори Чирчиқ тумани

"Аҳмаджон ота ва ўғли", "Нуржон Кулмес туп", "Жалолиддин Шуҳрат", "Апиз-Деҳқон".

Бўка тумани

"Оқ қуш", "Саид", "Аширбек Карим", "Шоим Нозим", "Офарин Мойтепа", "Азизов Миржалол", "Дониёр ТАД".

Ўрта Чирчиқ тумани

"Янги Тўлқин", "Ҳақиқат", "Қорасув", "Охунбобоев".

Чиноз тумани

"Ғуломов Миркомил", "Муқимий", "Шерзод Тўракул", "Йўлчибой ота", "Ҳўжамқулов Адҳам", "Дур гавҳар дурдонаси".

СУРАТДА: фермер Давлат Тожиаҳмедов.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

АКТ ҲАФТАЛИГИ

ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда ўтказилаётган анъанавий "InfoCom-2011" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида UZ миллий домени интернет-фестивали ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, "InfoCOM.UZ" журнали томонидан ташкил этилди.

Форумнинг очилишида истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида, жумладан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида интернетни жорий этиш ҳамда ундан аҳоли кенг қатламларининг фойдаланишини таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Айни пайтда бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сони 7,7 миллион кишини ташкил этади, уларнинг 4,27 миллион нафари интернетдан мобиль алоқа орқали фойдаланмоқда.

Мамлакатимизда миллий домен ресурсларини ривожлантириш мақсадида 2001 йилдан буён интернет-фестиваллар ўтказиб келинмоқда. Иккинчи даражали "UZ" миллий домени 1995 йил 29 апрелда ташкил этилган. Фестивалнинг асосий вазифаси ўтган йиллардаги каби Ўзбекистонда интернет тармоғини янада оммалаштириш, миллий контентни ривожлантириш ва глобал тармоқда ўзбек тилини қўллашни кенгайтиришга кўмаклашишдан иборат.

2011 йил 10 август ҳолатига кўра, "UZ" зонасидаги фақат иккинчи даражали фаол доменлар сони 12500 дан ошади. Бундан ташқари, UZ доменига кирадиган учинчи даражали яна бир неча минг доменлар мавжуд. Бу йил танлов дастури 14 мавзуга оид ва 2 махсус номинацияни ўз ичига олган. Яна иккита "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг энг яхши сайти" ва "Мавзуга оид энг яхши сайт" номинациялари ҳам жорий қилинди.

Ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганлар диплом ҳамда мукофотлар билан тақдирланди. Мавзуга оид номинациялар ва махсус "Йил кашфиёти" номинацияси бўйича ғолиблар интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг нуфузли мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланди. Бундан ташқари, бу йилги танлов дастурига ҳар бир номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий қидирув тизимидан махсус мукофотлар киритилган ва уларнинг ғолиблари сайтларга кириш натижалари таҳлили асосида аниқланди.

Бу йил фестивалда қатнашиш учун жами 1000 дан зиёд ариза берилди, 749 сайт фестивалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди ва уларнинг 52 фоиздан ортиғи фестивалда илк бор қатнашди. Ҳакамларнинг биринчи турда овоз бериш якунлари бўйича 148 сайт финалга чиқди ва уларга лауреатлик дипломлари топширилди, иккинчи турда эса финал қатнашчилари орасидан фестиваль ғолиблари аниқланди.

Uz-Translations тил портали икки йилдан буён илм-фан ва таълим соҳаси номинацияси бўйича WWW.UZ миллий қидирув тизимида биринчи ўринни эгалламоқда. Сайт администратори Зуҳра Тўрақулованинг айтишича, ҳар куни сайтга 10 мингдан ортиқ фойдаланувчи кирмоқда. Чунки сайт саҳифаларида дунёнинг турли тилларидаги дарсликлар, китоблар, қўлланмалар, тадқиқотлар ва журналлар эълон қилинади. Сайтдан фойдаланувчилар сони бундан кейин ҳам кўпайишига шак-шубҳа йўқ.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга оид устувор вазифалар, ёшларни гиёҳвандлик, кашандалик ва ичкиликбозлик каби зарарли одатлардан ҳимоя қилишнинг самарали тамойилларига бағишлаб матбуот анжумани ўтказди.

Унда марказий кенгаш масъуллари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом оила қуришга тайёрлаш ва спортга қизиқишини кучайтириш, уларни гиёҳвандлик, кашандалик ва ичкиликбозлик каби иллатлардан ҳимоя қилишдир.

"Камолот" ҳар йили "Биз ёшлар – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!", "ОИВ/ОИТС нима?", "Репродуктив саломатлик нима?", "Соғлом турмуш асослари", "Шахсий гигиена", "Саломатлик – бебаҳо бойлик", "Ичиш ва чекишнинг салбий оқибатлари", "Гиёҳвандлик умр заволи", "Наркотик моддаларсиз – соғлом келажак сари" ва бошқа мавзуларда соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда соғломлаштириш мусобақаларини ташкил этаяпти. Шунингдек, гиёҳвандликка чалинган ёшларнинг тақдири акс эттирилган "Оғусиз ҳаёт", "Покликка интил", "Мен соғломман", "Биз соғлом оиламиз" каби видеороликлар тайёрланиб, намойиш қилинмоқда.

Таълим муассасаларида ташаббускор ёшларни бирлаштириш мақсадида ҳам Ҳаракат амалга ошираётган лойиҳаларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Қолаверса, ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича Глобал Фонд билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси ёшлари ўртасида ОИВ/ОИТС ва жинсий йўллар орқали юқувчи касалликлар ҳамда гиёҳвандлик профилактикаси" лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, йил якунига қадар 20 мингга яқин ёшлар учун семинар-тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Мамлакатимизда миллий тараққиёт йўлимизнинг муҳим таянчи бўлган тадбиркорлик субъектлари эркин фаолият юритиши учун қулай бизнес муҳити яратилиб, бунинг қонуний кафолатлари тобора мустаҳкамланмоқда. Соҳа вакиллари фаолиятини текшириш билан боғлиқ барча жараёнлар қатъий тартибга солингани бунда муҳим ўрин тутмоқда.

ТЕКШИРИШЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш янада такомиллаштирилди.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун шу йил 14 сентябрда кучга кирди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши котиби Эркин ЖЎРАЕВ билан суҳбатлашди.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасида унинг иқтисодиётимиздаги улуши тобора ортиб, жамият равнақи, аҳоли фаровонлигини юксалтиришдаги ўрни мустаҳкамланмоқда, – дейди Э. Жўраев. – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Жорий йилда соҳа вакиллари манфаатлари ифода этилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинаётгани кичик бизнес ривожига янада кенг йўл очмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида белгилаб берилган меъёрлар "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топди. Шу асосда назорат идораларининг тадбиркорлар фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, асоссиз аралашувлар учун жавобгарликни кучайтириш ва текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ меъёрлар қонун билан мустаҳкамлангани тадбиркорлар учун қатор қулайликлар яратди.

(Давоми 2-бетда).

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

ТЕКШИРИШЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

– Янги қонунга биноан қайси қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди?

– Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Эндиликда янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида солиқ текширувларидан ўтказилмайди.

Аввалги меъёрларга кўра, бу субъектлар молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмасди. Бу муддатнинг яна бир йилга узайтирилгани ушбу соҳа вакилларининг мустаҳкам оёққа туриб олишига замин яратади.

Фақат акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти бундан мустасно. Яъни, уларнинг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди.

Янги қонуннинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этувчи ушбу меъёрлар юқорида қайд этилган барча қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

Қайд этиш жоизки, кейинчалик кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Текшириш ўтказишга қандай ҳолларда ва қай тартибда йўл қўйилиши ҳам қонунда акс эттирилганми?

– Текшириш ўтказиш учун зарур талабларнинг қонунчиликда янада аниқ белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу тадбиркорлик субъектларининг эркинлигига монелик қилувчи турли ноқонуний текширишларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу мақсадда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, энди тадбиркорлик субъектида текшириш ўтказиш учун зарур асослар бўлгандагина бунга йўл қўйилади.

Бунинг учун, биринчи навбатда, махсус ваколатли орган, яъни Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланган текширишлар режа-жадвалида тадбиркорлик субъектида текшириш ўтказилиши белгиланган ёки режадан ташқари текширишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги қарор (хат) бўлиши керак. Ана шу асос билан текширувчи белгиланган вақтда тадбиркорнинг корхонасига таширифбуюради. Унинг қўлида, албатта, режа-жадвалдан, махсус ваколатли орган қабул қилган режадан ташқари ёхуд муқобил текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарорларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек, назорат қилувчи органнинг текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби, текшириш муддатлари кўрсатилган буйруқлар нусхалари ҳамда текшириш ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисида махсус гувоҳнома ва шахсий гувоҳнома бўлиши шарт.

Янги қонун асосида бу каби меъёрлар "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунга ҳам киритилди.

– Текшириш муддатларининг қатъий белгиланган тадбиркорлик субъектларига қандай қулайликлар яратади?

– Ҳар қандай корхонада текшириш ўтказилиши унинг фаолиятига маълум маънода таъсир қилади. Шу боис бу борада қатъий тартибга риоя қилиниши жуда муҳим.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан, тадбиркорлик субъектларида ўттиз календарь куни давомида текшириш ўтказиш мумкин бўлиб, алоҳида ҳолларда, махсус ваколатли органнинг қарорига биноан, бу муддат яна 30 календарь кунигача узайтирилиши мумкин эди. Мазкур қонун билан ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Мазкур қонун билан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунга текширишнинг бошланган ва тугаган пайтини аниқ белгилаб берувчи меъёрлар ҳам киритилиши билан бирга, шу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан аниқ нормалар белгиланди. Юқорида таъкидлаб ўтилган текшириш ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга тилхат олинган ҳолда топширилади. Бу – текшириш бошланган пайт ҳисобланади. Мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортилиши текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Шундай бўлган тақдирда назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текширилаётган хўжалик юритувчи субъект имзолайдиган далолатнома тузилади. Текширилувчи тараф ушбу далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолда далолатнома имзоланган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади.

Текшириш тугагач унинг натижалари тўғрисидаги далолатнома текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга топширилади. Бу – текшириш ўтказиш тугаган кун ҳисобланади. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект далолатномани олишдан бош тортган тақдирда назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси бу ҳақида далолатномага тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади. Бу ҳолда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси хўжалик юритувчи субъектга почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Текшириш бошланиши ва тугашининг шу тариқа расман аниқлаштирилиши уларни амалда олдинроқ ёки кейинроқ ўтказиш ҳолларига чек қўяди.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги қонун нормалари, аввало, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари устуворлигини, уларнинг янада эркинлигини таъминлашга қаратилган. Буларнинг барчаси тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини янада мустаҳкамлайди. Ишончли кафолатлар эса хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг барқарор ривожланишига, пировардида мамлакатимиз тараққиётининг янада юксалишига хизмат қилади.

ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.

ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ РАҒБАТ

Ҳозир фермер хўжаликлари аъзолари учун энг завқли палла десак, муболаға бўлмас. Зеро, пахта етиштирувчи дала меҳнаткашлари учун ҳосил йиғим-терим мавсумининг гашти ўзгача. Эрта кўкламдан тер тўкиб қилган меҳнатлари самараси "оқ олтин" хирмонларида ўз аксини топади. Хирмонлар қанчалик юксак бўлса, пировард даромад шунчалик баракали бўлади.

– Хирмоннинг тез юксалиши учун теримни оқилона ташкил этиш керак, – дейди Пискент туманлик фермер Эсонали Агманов. – Ҳозир хўжалигимизнинг 55 аъзоси бутун оилалари билан теримда фаоллик кўрсатишаяпти. Бундан ташқари, юздан зиёд маҳаллий уюшмаган аҳоли ҳам йиғим-теримда ўз ихтиёрлари билан иштирок этмоқдалар. Улар учун барча шароитларни яратиб қўйганмиз. Айниқса, терилган пахтанинг ҳақини вақтида нақд тўлаб бораётганимиз терим иштирокчиларини руҳлантириб, суръатнинг бўшашмаслигини таъминлаяпти.

Ҳақиқатан ҳам "Агманов Эсонали" фермер хўжалигининг 79 гектардан иборат пахта майдонларида терим қизғин. Хўжалик аъзолари кунлик суръат бўйича туманда пешқадамлар сафида бормоқдалар. Яқинда хўжаликнинг пешқадам теримчиларини рағбатлантириш тадбири уюштирилди. Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева шу кунгача хирмонга 1,5 тоннага етказиб ҳосил тўккан чевар теримчилардан бир гуруҳига туман ҳокимлигининг эсдалик совғаларини топширди.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташкил этган санъаткорлар гуруҳи терим иштирокчилари учун катта концерт дастурини намойиш этди.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Мамлакатимизда аҳоли бандлик даражасини ошириш, айниқса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Айни вақтда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоялаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига доимий эътибор қаратилаётир.

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тошкент вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида иқтисодиётнинг барча соҳаларида 62 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган. Чунончи, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш доирасида хотин-қизлар учун 33 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда имзоланган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони жойлардаги вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолини, жумладан, хотин-қизларни уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларига жалб этиш, касаначиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлаш борасида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоятда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида касаначилик асосида яратилган иш ўринларининг тўрт мингга яқини хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, ушбу ҳужжатнинг ҳаётга изчил жорий этилаётгани юртимизда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар билим даргоҳларини тамомлаган ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда, – дейди Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Ш. Каримов. – Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ўз бизнесини бошлаши учун кўмаклашиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мунтазам ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида минглаб хотин-қизлар ўзларига муносиб иш билан таъминланаётир.

Вилоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларда ана шу тоифадаги фуқаролар учун 9 мингдан ортиқ иш ўринлари захираланган эди. Айни пайтгача аҳолининг ана шу қатламига кирувчи 6 минг 735 нафар фуқаро, меҳнат қобилиятига эга ногиронлардан 122 нафари ишга жойлаштирилди.

Аҳолини иш билан таъминлашда меҳнат ярмаркаларининг ўзига хос ўрни бор. Шу йилнинг ўтган даврида вилоятда саксондан ортиқ меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда 3,7 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот ўзларидаги мавжуд 31 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркаларга жалб этилган фуқаролардан 13 минг нафардан ортиғи ишга кириш учун йўлланмалар олди. Уларнинг саккиз мингдан зиёди хотин-қизлардир.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

ЭЗГУ ТАМОЙИЛНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган эзгу тамойил ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Аҳолининг яшаш тарзи тобора фаровонлашаётгани, барча соҳаларда хизмат кўрсатиш юксалиб бораётгани бунинг яққол исботидир.

Кундалик турмушда ҳар биримиз истеъмолчи сифатида савдо, алоқа, транспорт ва бошқа хизматлардан фойдаланамиз. Барча соҳаларнинг кундан-кунга такомиллашиб бориши жараёнида хизмат кўрсатишни яхшилаш, истеъмолчилар манфаатини ифода этиш – долзарб аҳамиятга эга. Бунда соҳага оид миллий қонунчилик асослари муҳим ўрин тутади. Жумладан, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясига бағишлаб ташкил этилган мабуот анжуманида шулар ҳақида гап борди.

Аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш мақсадида федерация ва унинг жойлардаги ҳудудий бирлашмалари ҳамда жамиятлари томонидан кўплаб тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Истеъмолчилар учун турли қўлланма ва қонунлар тарғиботига оид буклет, плакатлар чоп этилмоқда. Хусусан, "Товар ёрлиқлари ва штрихли кодлаш", "100 саволга – 100 жавоб", "Истеъмолчи ва дори-дармон", "Ногироннинг ҳуқуқлари", "Почта алоқасидан оқилона фойдаланинг", "Тиббий хизмат ва истеъмол ҳуқуқлари" каби ўнга яқин номдаги услубий қўлланмалар нашрдан чиқарилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан батафсил жавоб олдилар.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 27 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1699,79
1 Англия фунт стерлинги	2699,54
1 Дания кронаси	314,74
1 БАА дирҳами	475,59
1 АҚШ доллари	1746,60
1 Миср фунти	292,68
1 Исландия кронаси	14,82
1 Канада доллари	1688,19
1 Хитой юани	273,52
1 Россия рубли	54,40
1 Украина гривнаси	219,05
1 Малайзия ринггити	548,04
1 Польша злотийси	535,16
1 СДР	2723,28
1 Туркия лираси	952,81
1 Швейцария франки	1918,08
1 ЕВРО	2379,84
10 Жанубий Корея вони	14,75
10 Япония иенаси	228,70

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ЯХШИЛАР ЁДИ

Ватан қайдан бошланади, деган сўровга мен: "Киндик қони томган, туғилиб ўсган жойдан" деб жавоб берардим. Агар Эгамберди ҳаёт бўлганида, у ҳам, албатта, фикримга қўшиларди. Чунки, ҳаётининг кўп қисмини пойтахтда ўтказган бўлса-да, она қишлоғини жон-дилидан севар, имкон топган заҳоти Хондайлиққа ошиқарди.

ЭГАМБЕРДИНИНГ КЎПРИГИ

Аслида ҳам бизнинг қишлоғимиз жуда қулай жойлашган. Олис-олислардан кўзга ташланиб турадиган серунум ерларимизга Қуёш ўз нурини аямай сочади, Чотқолнинг кучли шамоллари, селу тошқинлар уни четлаб ўтади, икки сой суви ва ўнлаб зилол булоқлар оби ҳаёт билан бекаму кўст таъминлаб туради. Тарихи ҳам жуда қадимий ва сермазмун. Қишлоғимиз марказидаги кўҳна тепаликни тартибга солаётганимизда топилган қадимий ашёларни текшириб кўрган археологлар бу заминда икки минг йил олдин одамлар яшаганини исботлаб берганлар. Унинг тарихи ҳақидаги китобни ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида яратишга киришганимизда баркамол йигит бўлиб Тошкентда иш бошлаган Эгамберди ва унинг билимдон падари бузруквори мулла Зайниддин ота мудом яқиндан ёрдамлашиб, ёнимизда турган эдилар...

Шу баҳонада қишлоғимизда яшаб ўтган улуғ инсонлар ҳаётини ўрганиш учун ҳам йўл очилган. Аввало, Зайниддин ота орқали унинг зукко ва билимдон падари бузруквори мулла Муса бобони таниганмиз. Қолаверса, бутун бошли Шарқда маълуму машҳур бўлган Сирожиддин Маҳдум Мирзоҳид ўғли – Сидқий Хондайлиқийнинг аждоду авлодлари, даврдошлари оламига кириб бориш имкониятига эга бўлганмиз.

Эгамберди шундай улуғ хонадонда ёлғиз ўғил эди. Кўк тўнли ота маҳалласилик мулла Зайниддин ота билан кўп ҳамсуҳбат бўлганмиз. Дам олиш кунлари ва байрамларда қишлоғимга қайтар эканман, маҳалла гузарида мудом бошини қуйи эгиб, чуқур ўйга толиб ўтирувчи ота истиқболига ошиқардим. Менга кўзи тушгани ҳамоно чеҳраси ёришиб кетар, ўрнидан туриб, қўшқўллаб кўришарди. Биз қай мавзуда суҳбатлашмайлик, охирги тўхтам Эгамберди муаммосига туташар эди.

– Сиз яхши тушунасиз, чироғим, Эгамберди кўзимизнинг оқу қораси, барибир ўқитмасак бўлмасди, – доим изтиробли оҳангда гапирарди қария. – Шаҳарларда қолиб кетмасин, деган ниятда қишлоқдан уйлантирдик.

Мен мўйсафид бечорани имкон қадар юпатишга ҳаракат қилардим, жўяли сабаблар қидирардим. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси Эгамберди Мусаевнинг тил бўйича олий илмгоҳга сиртдан ўқишга кириши мушкулни анча осонлаштирди. "Институтни битиргач, менга ўхшаб қишлоғида уй қурмоқчи, иккимиз ҳам бир кун, албатта, қайтиб келамиз" деб отанинг кўнглини кўтарганман. Бу фикримни ҳақиқатга айлантириш учун бир кун атайдан телевидениега бордим. Рўйхатлардан Э. Мусаевни топдим-да, қўнғироқ қилдим. Гўшакдан "лаббай" деган йўғонроқ овоз эшитилди, шамоллаган шекилли.

– Ўртоқ Э. Мусаев (мен шундай деб ҳазиллашардим), ёнимга ғизиллаб тушиб келсангиз!

Бироз сукутдан сўнг: "Сиз, мабодо, Эгамберди Мусаевни чақирмаяпсизми?" деди ҳалиги овоз.

– Худди шундай!

Бироқ, чамамда, борган сайин ўғлимиз олислашаётгандек. Онаси иккимиз мудом йўлига интизор бўлиб ўтирамиз. Қишлоққа қатнови сийраклашган...

"Унда мана бу рақамни теринг" деди. Энди телефонда "лаббай?" дея ҳақиқий Эгамберди жавоб берди ва дарров ёнимга тушиб келди.

– Мен билан гаплашган ким эди?

– Элбек акани безовта қилибсиз!

– Элбек Мусаевними, сал ошириб гапирган эдим, кўнгиллари оғримадимикин?

– Йўқ, ўзлариям ҳазилкаш, жуда бағри кенг инсон!

Шундай қилиб, яхши бошланган иш чиройли якун топди. Эгамберди иккаламиз эски томлар ўрнида замонавий уйлар тиклаб, қишлоққа қайтадиган ва Хондайлиғимиз ободончилигига ўз ҳиссамизни қўшадиган бўлдик.

Навбат қишлоқ ободончилигига келди. Мен тоза ичимлик суви олиб келиш ҳаракатида эдим. Эшитсам, Эгамберди маҳалладаги катта кўчани таъмирлаш ва Ёнариқ устига кўприк тиклаш учун югуриб юрган экан. Ғоят хурсанд бўлдим. Зайниддин отанинг-ку, қувончи чексиз эди! Гўё Эгамбердини қишлоққа мен қайтариб олиб келаётгандек. Ҳар йўлиққанимизда қайта-қайта миннатдорчилик билдирарди...

Во, дариғ, ҳаётда нималар бўлмайди! Шу йили қиш оғир келиб, саксондан ошиб қолган мулла Зайниддин ота билан кампири кетма-кет вафот этдилар. Бу жудолик Эгамбердига қаттиқ таъсир этиб, касалхонага тушди ва оғир операцияга йўликди. Ота-онаси орзусини тириклигида рўёбга чиқара олмагани учун руҳан эзилиб кетган Эгамберди ҳаётга қайта олмади. Бу жудолик нафақат унинг яқинлари, балки бутун қишлоқ аҳли учун ҳам катта мусибат эди! Маънавияти ғоят юксак, қалби эзгу ниятларга лиммо-лим ажойиб инсондан айрилиб қолган эдик!

Шундай қилиб, Эгамберди Мусаев туғилган қишлоғига қайта олмабди-да, дерсиз? У қайтиб келди: охирги дақиқалардаги васиятига кўра, уни қишлоғимиздаги "Кўк тўнли ота" қабристонига дафн этдик...

Эндиликда катта кўчадан унча ичкари бўлмаган қабрда Эгамбердининг кўркам нигоҳи: "Мендан розимисизлар?" дегандек, кўзимизга маъноли тикилиб турибди.

– Мингдан-минг розимиз! – деб ўтамиз бу нигоҳни кўрганимизда. – Сиз ғоят мазмунли ва ибратли ҳаёт кечирдингиз, қишлоғимизда равон йўл қурилишига бош бўлиб, бузилмас бир кўприк тиклаб кетдингиз! Ундан ўғлингар: "Бу Эгамбердининг кўприги, мархумнинг охирати обод бўлсин" деб ҳамиша дуо қиладилар.

Асад АСИЛ, ёзувчи.

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда 23-28 октябрь кунлари "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг энг йирик маданий-маърифий лойиҳаси – "Art Week Style.Uz-2011" санъат ҳафталиги бошланади.

Унда мамлакатимиз ва хорижлик рассомлар, фотоижодкорлар, дизайнерлар, санъатшунос олимлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этади.

Анъанавий "Art Week Style.Uz" ҳафталиги доирасида жорий йилда ҳам турли концертлар, кўргазмалар, танловлар, тақдимот маросимлари, илмий-амалий анжуманлар, миллий либослар фестивали, ижодий учрашувлар, жаҳоннинг номдор модалар уйи коллекциялари намойиши, ижтимоий акциялар, маҳорат сабоқлари ўтказилиши режалаштирилган.

Кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, юртимиздаги ёш ижодкорлар, рассомларда ноанъанавий дунёқараш ва реал ҳодисаларга ранг-баранг ёндашувларни шакллантириш, янгича талқин этиш кўникмаларини янада ривожлантиришдан иборат. Бу ерда тасвирий санъатнинг турли йўналишлари билан бирга видео-арт, инсталляция каби замонавий санъат соҳасида ижод қилаётган ўнлаб ёш истеъдод соҳибларининг асарлари ҳам намойиш этилади.

"Туркистон-пресс".

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

ЎТКИР ЮҚУМЛИ ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИНГ

Ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши ва юқори даражада муайян муддат сақланиб туриши ичимлик суви, айниқса каналлар, ариқ ва ҳовуз сувлари меъёридан ортиқ истеъмол қилинишига олиб келди. Бу аҳоли орасида ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари келиб чиқиши ва тез тарқалишига шароит яратмоқда. Ичбуруғ, қорин тифи ва паратифлар, сальмонеллёз, эшерихиоз, ротовирус касаллиги, компиллобактериоз, иерсиниоз ва бошқа шу каби касалликлар жуда хавфли, тез тарқалувчан ҳисобланиб, айниқса кичик ёшдаги болаларда оғир кечади.

Ичбуруғ, қорин тифи, эшерихиоз, паратифлар, ротавирус касалликларида шу касаллик билан оғриган беморлар ва микроб ташувчилар, сальмонеллёз, паратифлар ва компиллобактериоз касаллигида эса беморлар билан бир қаторда уй ҳайвонлари ҳам касаллик манбаига айланади. Касаллик қўзғатувчиси соғлом одамларга сув орқали, озиқ-овқат ва мулоқот йўли орқали юқади.

Микроб тарқатишда пашшаларнинг роли ҳам катта. Улар касаллик тарқатувчи микробларни юқтириб, очиқ ҳолда сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ифлослантиради. Улар истеъмол қилиниши натижасида ўткир юқумли ичак касалликлари келиб чиқади.

Очиқ сув ҳавзалари ва водопровод тизимида зарур санитария-гигиена талабларига риоя қилинмаслиги ҳам касаллик тарқалишига сабаб бўлади. Микроблар оғиз орқали одам организмига тушиши биланоқ касаллик бошланмайди. Унинг яширин даври 2-3 кундан 7, ҳатто 21 кунгача давом этиши мумкин. Шундан кейин клиник белгилар юзага чиқа бошлайди. Одатдагидан кўра, тез-тез ва суюқ ич кетиши, баъзи ҳолларда нажасда қон бўлиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, дармон қуриши каби белгилар намоён бўлади. Оқибатда бемор кўп суюқлик йўқотади, кўпгина зарур озиқ моддалар ҳам чиқиб кетади, бемор кўз олдингизда "қуриб" боради. Сувсизланишни болалар, айниқса, қичик ёшдагилар жуда оғир ўтказадилар. Баъзи ҳолларда бу боланинг ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкин.



Касалликдан сақланиш ва олдини олиш учун, аввало, водопровод сувини истеъмол қилиш, бундай сув бўлмаган ҳудудларда, ариқ, канал, ҳовуз сувини фақат қайнатиб ичиш лозим.

Умумий овқатланиш корхоналарида, савдо-сотиқ шохобчаларида, болалар боғчаларида, мактабларда, лицей ва коллежларда, бозорларда тозаликка қатъий риоя этиш, керакли санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, ушбу корхоналарда ишловчи ходимлар ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлаш зарур.

Хонадон ва ҳовлиларни доимо озода сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига тўла риоя қилиш, овқат тайёрлаш ва озиқ-овқатларни истеъмол қилишдан олдин қўлларни доимо совунлаб ювиш, мева ва сабзавотларни тоза сувда ювиб, истеъмол қилиш, сув ва сутларни фақат қайнатилган ҳолда ичиш, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини полиэтилен халтачалар, усти берк қопқоқли идишларда сақлаш, хонадонларда, корхона ва ташкилотларда пашша кўпайишига йўл қўймаслик, бир неча кун аввал тайёрланган ва музлаткичда сақланмаган озиқ-овқатни истеъмол қилмаслик ва, ниҳоят, танни чиниқтириш, спорт билан шуғулланиш аҳоли орасида ўткир юқумли касалликлардан сақланишнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Бу тавсиялар ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликларининг олдини олишда ишончли тадбирлар эканлигини асло унутмайлик. Уларга ҳамиша риоя қилайлик.

Бахром АЛМАТОВ,
вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори.

Qishloq Qurilish Bank

Фаровон ҳаётингиз хизматида

Ҳурматли юртдошлар!

Мамлакатимиз раҳбари томонидан 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йили деб эълон қилингани, юртимизда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Республикамизнинг турли жабҳаларига кенг қамровда хизмат кўрсатиш натижасида 2011 йилнинг 8 ойи давомида банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали томонидан ажратилган кредитлар кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга 13 423,2 млн. сўм, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 3 828,11 млн. сўм, қурилиш корхоналарига 1 882,1 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга 561,8 млн. сўм ҳамда бошқа соҳаларга 3 918,1 млн. сўмни ташкил қилади.

Ушбу ажратилган кредит маблағлари эвазига 268 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент вилояти минтақавий филиали томонидан ушбу ташаббусга ҳамоҳанг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига турли хилдаги банк хизматлари таклиф этилди.

Жумладан, мижозларга ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент вилояти минтақавий филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини ривожлантириш ва кенгайтиришга энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган миқдорда муддатлилик, мақсадлилик, таъминланганлик, қайтаришлилик шартлари асосида микрокредитлар ажратилмоқда. Ўз навбатида, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ажратилмоқда.

Шунингдек, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантириш учун инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича банк ўз хизматларини тақдим этиб келмоқда. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича қуйидаги мақсадларга кредитлар ажратилмоқда:

- Чет мамлакатлардан ускуналарни харид қилиш
- Мавжуд технологик ускуналарни янгилаш ва модернизация қилиш
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олиш
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа йўналишлар бўйича
- Халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- Хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

Кредит учун фойдаланилган фоиз ставкаси мижоз ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра белгиланади. Кредит учун имтиёзли давр мижоз томонидан лойиҳани амалга ошириш давридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Бундан ташқари, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш юзасидан фаол ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент вилояти минтақавий филиалида фуқаролар учун янги омонат турлари жорий этилган. Жумладан, фоиз ставкаси юқори бўлган ҳамда муддати бир ойлик, олти ойлик, бир йиллик, узоқ муддатли, "Фойдали", "Тўёна", "Тантана" ва бошқа омонат турларига маблағлар қабул қилинмоқда. Ушбу тақдим этилган омонатлар банк томонидан сир сақланиши кафолатланади.

Шу билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш ҳамда халқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтириш мақсадида депозит сертификатлари жорий этилган.

Банк хизматларини янада кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент вилояти минтақавий филиалида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳамда фуқаролар учун ишонч телефонлари ташкил қилинган.

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»
Тошкент вилояти минтақавий филиали ишонч телефонлари:
8 (371) 150-79-08 8 (371) 150-79-05.

«Қишлоқ қурилиш банк».

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЗЎРАВОН ЖАЗОЛАНДИ

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судида кўча-кўйда, жамоат жойларида бегуноҳ кишиларни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлашдан ўзини тиёлмайдиган одамлардан бирига нисбатан маъмурий иш кўриб чиқилиб, у қонуний жазога тортилди. Қуйида суднинг ушбу иш бўйича 2011 йил 19 апрель куни чиқарган қарорини, бошқа шу каби зўравонларга сабоқ бўлсин учун, айнан келтирамиз:

"Суд ҳуқуқбузар ҳамда жабрланувчиларнинг кўргазмаларини эшитиб, иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни аниқлади:

Ҳуқуқбузар Корганов Каримджан Бўстонлиқ тумани, Мавлонов кўчаси 3-уйда яшаб келгани ҳолда, 09.04.2011 йил куни соат тахминан 15:00 ларда Ғазалкент шаҳар Мустақиллик кўчаси 36-уй, 32-хонадонда яшовчи Ганиев Қобилжон Нурматович билан ҳеч бир сабабсиз жанжаллашиб қолиб, уни ўта уятли сўзлар билан сўкиб, ҳақорат қилиб, шаъни, қадр-қимматига тегадиган сўзларни гапириб, осойишталигини бузиб, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган.

Суд ҳуқуқбузар Корганов Каримджанни ўз айбига иқрор бўлиб берган кўргазмаларидан ташқари, суд мажлисида сўралган жабрланувчи К. Н. Ганиев ва гувоҳларнинг кўргазмалари билан, иш материалларида тўпланган бошқа ҳужжатлар, жумладан, бошқа гувоҳларнинг тушунтириш хатлари билан тўлиқ ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд ҳуқуқбузарнинг кўргазмаларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, Корганов Каримджанни Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топишни, унга нисбатан жазо тайинлашда ҳуқуқбузарликни қасддан содир этганлигини, ҳуқуқбузарлик хусусияти ва даражасини, шунингдек айбини иқрорлигини, шахсини, айбини даражасини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 33-моддасини татбиқ қилган ҳолда шу моддада назарда тутилган жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашликни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 309-, 310-моддаларини раҳбарликка олиб, суд қарор қилади:

Корганов Каримджан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилсин ва унга Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 33-моддаси татбиқ қилинган ҳолда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида 49.735 (қирқ тўққиз минг етти юз ўттиз беш) сўм жарима жазоси тайинлансин".

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди даъвогар Карим Коргановнинг даъво аризаси бўйича 2011 йил 30 мартда чиқарган Ҳал қилув қарорида "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 8 сентябрдаги сонида чоп этилган журналист Ж. Саъдуллаевнинг "Ғалвасойнинг ғалвали гектарлари" мақоласида даъвогарнинг шаънига тегадиган гаплар борлиги учун ундан узр сўраб, раддия чоп этиш лозимлиги қайд этилган.

Мазкур мақоладаги эҳтиётсизлик билан ёзилган факт учун даъвогар Карим Коргановдан узр сўраймиз.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

Эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларда никоҳ шартномаси муҳим аҳамиятга эга экани барчага маълум. Бироқ, никоҳ шартномасида қандай талаб ва мажбуриятлар бўлишини ҳамма ҳам билавермайди. Аслида никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ё бўлмаса, никоҳ даврида тузилиши мумкин. У ёзма шаклда бўлиб, нотариал тартибда тасдиқланади.

Оила кодексининг 30-моддасида никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Таъкидлаш керакки, ушбу шартномани тузиш учун эр-хотин муомалага лаёқатли бўлиши керак.

Никоҳ шартномаси эр-хотинни оғир ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин эмас. Акс ҳолда бу битим баҳсли битим бўлиб, ҳуқуқи бузилган эр ёки хотиннинг даъвосига кўра, ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

Эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан никоҳ шартномаси исталган вақтда ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Бунда келишув ёзма шаклда ва нотариал тартибда тасдиқланиши шарт. Агар никоҳ шартномаси бекор қилинмаган бўлса, ушбу шартнома никоҳ тугатилишига қадар амалда бўлади.

Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилади ва бекор қилинади. Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасига амал қилиниши ҳам тугайди. Никоҳ шартномаси эр-хотин манфаатларига хизмат қилади.

Матлуба УСМОНОВА,
3-давлат нотариал идораси нотариуси.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 07.07.2011 йилда 0513327 реестр рақами (гувоҳнома рақами 05-11393) билан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор (ИНН 465333220) Мирзакулов Ботыржон Амануллаевичга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧП "MUSTANG-PERSONAL" (ИНН 205611204), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Мирабадского района г. Ташкента за реестр. № 005396-03 от 27.08.2011 г., расположенное по адресу: Мирабадский район, ул. А. Фитрат, д. 157/7, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение о добровольной ликвидации № 20/09 от 20.09.2011 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 234-07-98, 235-92-83.

Частное предприятие "NIG`MATILLA MUATTAR" (ИНН 301894629), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента за реестр. № 004999-09 от 14.03.2011 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Н. Аминова, д. 29, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (на основании решения учредителя № 3 от 27.09.2011 г.). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации объявления.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги "Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 186-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан

«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI»

ОАЖ танловда қатнашишга ТАКЛИФ ЭТАДИ

Танлов номи – Бекобод шаҳри истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очиқ турда ўтказилади. Унда хусусий операторларни ташкил этиш ва ушбу операторларга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиш учун таклиф этилаётган ҳудуд: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Бекобод шаҳар электр таъминоти корхонаси.

Танлов ташкилотчиси – "Toshkent elektr tarmoqlari" ОАЖ.

Инвесторларга қўйиладиган асосий талаблар:

– инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;

– танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазаев) кўчаси, 42. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

Ариза беришнинг сўнгги муддати:

– 2011 йил 28 октябрь соат 18:00 гача.

Танлов ўтказиш муддати – 2011 йил 1 ноябрь соат 10:00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– Монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиши ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;

– инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

– инвестор "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида "Ўзбекэнерго" ДАК маълумотномаси;

– инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишига қўйилмайди:

– танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

– тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

– танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;

– "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамасида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва "Toshkent elektr tarmoqlari" ОАЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов суммасини ўтказадилар: 20210000500124958119, Қибрай СКБ, МФО 00884, ИНН 201221748, ОКОНХ 11170.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазаев) кўчаси, 42, "Toshkent elektr tarmoqlari" ОАЖ. Мурожаат учун телефон: 236-91-01.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин.

Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача мурожаат этишлари мумкин.

«Toshkent elektr tarmoqlari» ОАЖ.

XXI аср ва ДУНЁ

ТАЛАБАЛАР ТЕЛЕСТУДИЯНИ ЭГАЛЛАШДИ

AFP агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, 25 сентябрь – якшанба куни кечқурун бир гуруҳ Грешия талабалари NET давлат телеканали студиясига бостириб киришди.

Полициянинг ҳикоя қилишича, Афинадаги телестудия биносига 50 га яқин ёшлар кириб борган ва телеканал раҳбарларидан олий таълимдаги ислоҳотларга қарши ўз норозиликларини баён этишлари учун эфирга рухсат беришларини талаб қилишган. NET раҳбарлари талабаларнинг бу талабини рад этиб, кечки янгиликларни эфирга беришни бекор қилишди. Шу йўл билан телеканал уч йил илгари юз берган нохуш ҳодиса такрорланишининг олдини олди. Ўшанда бир гуруҳ анархиячилар студияга бостириб кириб, кўча норозилиги акциясида қатнашишга даъват этувчи плакатни камерага рўпара қилган эдилар.

Навбатдаги норозилик акцияси 21 сентябрда Грешия ҳукумати иқтисодиётни қутқариб қолишга қаратилган янги режани эълон қилгандан сўнг бошланди. Ушбу режада пенсиялар миқдорини камайтириш ва солиқларни ошириш кўзда тутилганди. Жаҳон молия-иқтисодий инқирозига қарши қаратилган бу режа Грешия учун Жаҳон валюта фонди ҳамда Европа Иттифоқидан навбатдаги 8 миллиард евро миқдоридаги кредитни олишнинг асосий шарти эди. Давлат қарзи 350 миллиард евро-га етган Грешия ҳозир дефольт ёқасида турибди.

ОЛТИ БРИТАНИЯЛИК ТЕРРОРЧИЛИКДА АЙБЛАНДИ

Буюк Британиянинг Ғарбий Мидленде графлиги полицияси аввалроқ Бирмингемда ҳибсга олинган 6 кишига террорчилик айбини қўйганлиги ҳақида хабар тарқатди BBC News.

Ушланганларнинг тўрт нафари – Ирфон Носир, Ирфон Холид, Ошиқ Али ва Рохин Аҳмад қўпорувчилик актини тайёрлашда айбланмоқдалар. Полиция уларни Покистондаги террорчиларни ўқитиш лагерларига борганликда, уй шароитида бомба тайёрлашда, шунингдек, экстремистик видеокўрсатувларни суратга олишда гумон қилаяпти.

Яна икки ушланган фуқаро – Баҳодир Али ва Муҳаммад Ризвон террорчилик актига тайёргарлик кўрилаётганидан хабардор бўла туриб, бу ҳақда полицияга маълумот бермаганликда айбланаяптилар. 25 дан 32 ёшгача бўлган олти гумондор тунда ўтказилган махсус операция чоғида қўлга олинган эди. Уларнинг ҳаммаси британ фуқаролигига эга бўлиб, Бирмингемда яшашади. Кейинроқ яна бир гумондор ҳам ҳибсга олинди, бироқ унга ҳали айблов юклангани йўқ.

Тахмин қилинишича, олти айбланувчи душанбадан бошлаб суд олдида жавоб бермоқда.

НИГОҲ

ҚАДРСИЗЛАНИШ

жилови аллақачон Тожикистон ҳукумати қўлидан чиқиб кетган

Илгаридан маълумки, Халқаро валюта фонди (ХВФ)да нафақат мутахассислар балки, яхшигина дипломатлар ҳам ишлайди. Фондининг сўнгги миссияси ҳам "Тожикистонда бошдан кечирилган глобал иқтисодий таназзул оқибатларидан сўнг иқтисодий фаоллик даражасининг тикланиши давом этяпти" дея таъкидлади. Ва ҳатто, бу йил ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишининг башорат кўрсаткичи 6 фоиз бўлишини айтди.

ХВФ миссияси омма қалбига шу тариқа умид уруғини сочиб, кетидан ўтган йил июнь ойидан бу йилнинг май ойигача истеъмол нархи 14,8 фоизга ўсганини ҳам гап орасида шунчаки қистириб ўтди. Эслатиб ўтамиз, ХВФ шу йил май ойида Тожикистонда 2011 йилги қадрсизланиш (инфляция)нинг 10 фоиздан 13,9 фоизга кўтарилишини башорат қилди.

Мана энди чет эл экспертлари нималардан дарак беришаётганини ўзингиз тушуниб, ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг: бундан буён яхши бўладими ёки янада баттарроқ кунларга ҳозирлик кўриш керакми?

Кўпчилик тожикистонликлар иккинчи ҳолатга тайёргарлик кўриш фикрида. Негаки, улар президент Раҳмон ва унинг атрофидагилар ХВФнинг қадрсизланишни жиловлаш ҳақидаги маслаҳатига амал қилишларига кўп ҳам ишонавермайдилар. Зеро, бу жараён Тожикистон ҳукумати назоратидан чиқиб кетганига анча бўлди.

Аммо, шуниси ажабланарлики, қадрсизланишнинг ўсишида ҳамма айбдор, фақат ҳукуматдан бошқа. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошишини жаҳон бозорида нарх кўтарилгани билан боғлайдилар. Ёнилғи-мойлаш ашёлари нархининг ошгани учун эса, билвосита Россияни айблаб қўя қолишди. Эмишки, у ички бозорни тўлдириш мақсадида экспорт божини ошириб, Тожикистонга "қаттиқ зарба" берибди. Ахир Тожикистон ёнилғиларининг асосий қисмини Россия Федерациясидан олади-да. Бундан ҳам ишончли баҳона (сабаб эмас) борми?!

Қизиқ, Тожикистонда ЯИМ нега маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хизмат кўрсатиш тармоқ ва кўламини кенгайтириш каби асосий омиллар эмас, балки мамлакатдан четга экспорт қилинаётган пахта ва алюминий нархининг оширилиши, шунингдек, гастарбайтерлар хориждан юбориб турган пуллар ҳисобига ўсаётгани ҳақида негадир ҳеч ким лом-мим демайди. Ваҳоланки, гастарбайтерларга тегишли пуллар айнан ўша Россиядан келиб турибди. Президент ҳамда ҳукумат долзарб муаммоларни ҳал этиш учун қандай жиддий чора-тадбирлар кўргани ҳақида ҳам ҳеч ким ҳеч нарса демайди.

Чунончи, пахта толасини четга экспорт қилавериш ўрнига уни қайта ишлаб, ипкалава, газмол ишлаб чиқариш ва уларни анча юқори нархларда экспорт қилишни йўлга қўйган маъқул эмасми?

Дарвоқе, муайян шароитда, айниқса, ҳукумат ва бошқарувнинг олий табақасидаги коррупционерлар нафсларини бироз бўлсада, тийсалар бевосита пахта етиштирилаётган жойнинг ўзида тўқимачилик бизнеси билан шуғулланишга тайёр сармоядорлар ҳам топиларди, албатта.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: "Хўш, Тожикистон раҳбарлари мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун нима қилдилар?" Бу саволга жавобни деҳқон ва чорвадорларнинг бугунги аҳволию туриш-турмушидан излаган маъқул. Уларнинг кўпчилиги қўл учида амал-тақал кун кўришаяпти. Ўзларини бироз бўлсада, ижтимоий қўллаб туриш учун ажратиладиган маблағни, ҳатто, кўрмайдилар. Чунки, бу арзимас маблағ ҳам муҳтожлар қўлига етиб бормай, амалдорларнинг ҳамёнини қаппайтиради. Балки, хитойлик деҳқонларни таклиф этган яхшидир. Аммо бу чора ҳам кутилган натижани бермайдиган кўринади. Негаки, ўша хитойлик деҳқонлар ўзлари ишлов берган ерларга эга чиқиб, қолиб кетишяпти...

Ўз муаммоларимиз ва қашшоқлигимиз учун ўзимиздан кўра ўзгаларни айблаш осонроқ. Инсонпарварлик ёрдами, имтиёзли қарзлар ва кредитларга умид боғлаш осонроқ. Тожикистон шундоқ ҳам сайёрамиздаги энг камбағал мамлакатлар рўйхатида турибди. Аҳвол эса, ёмонлашгандан ёмонлашиб бораяпти.

Бундай аянчли аҳволимизни ўнглаш учун Халқаро валюта фондининг ёки бошқа аллакимларнинг тавсия ва маслаҳатлари камлик қилади. Бироқ, бунинг учун айрим уддабурон фуқаролар танлаган ишни қилиш ярамайди. Айрим кимсалар қирғизистонлик "ҳамфикрлари" билан тил бириктириб, 280 тонна ёнилғи-мойлаш ашёларини Тожикистонга контрабанда йўли билан олиб ўтишибди. Албатта, улар бу маҳсулотларни баланд нархларда сотиб, мўмай пулга эга бўладилар.

Дарвоқе, бундай "ғирром операция"лар Қирғизистоннинг ўзига ҳам қимматга тушиши мумкин. Ахир Россия имтиёз ва преференцияни ҳисобга олган ҳолда етказиб берилаётган ёнилғилар учинчи мамлакатга ошириб юборилаётгани масаласини кўтармаслигига ким ҳам кафолат бера олади.

Самариддин ҒОИБОВ.
TJKNEWS.COM.

ФРАНЦИЯ СЕНАТИДА СЎЛЛАР КЎПАЙДИ

25 сентябрда бўлиб ўтган сайловларда мухолифатчи сўл партиялар Франция сенатида кўпчиликни ташкил этишга эришдилар. AFP агентлиги шу ҳақда маълумот тарқатди.

Франция Социалистик партиясининг сенат бўлими бошлиғи Жан-Пьер Бэлнинг таъкидлашича, 348 та сенат ўринидан 170 тасининг тақдири ҳал этилган сайловлар таҳминий маълумотларга кўра, сўл коалицияга 24 тадан 26 тагача қўшимча мандат келтирди. Аввалги ўринларга қўшилиб, бу сўлларга парламентнинг юқори палатасида кўпчиликка эришиш имконини беради.

Кузатувчиларнинг айтишларича, овоз бериш натижалари 2012 йил май ойида бўладиган президент сайловлари олдидан социалистларнинг мавқеини анча мустаҳкамлайди.

Президент Николя Саркозини қўллаб-қувватлаётган "Миллий ҳаракат иттифоқи" ўнг-центрист партияси етакчиси Жан-Франсуа Копе сайловлар якунини "ҳафсалани пир қилувчи натижа" дея баҳолади. Бироқ, таъкидладики, бу кутилмаган "совға" эмас. Президент девони ҳозиргача шарҳ беришдан тийилиб турибди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ТЕННИС

ИСТОМИН БОШ СОВРИННИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Жаҳоннинг йирик спорт марказларидан бирига айланган Тошкент шаҳридаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида Профессионал теннисчилар уюшмаси (ATP) мусобақалари тақвимига кирувчи эркаклар ўртасида "Челленжер" туркумидаги нуфузли халқаро турнир ўзбекистонлик Денис Истомин ғалабаси билан якунланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида юртимизда теннис ҳам жадал тараққий этаётир. Мамлакатимизда ҳар йили нуфузли теннис ташкилотлари – Профессионал теннисчилар уюшмаси, Хотин-қизлар теннис уюшмаси ва Халқаро теннис федерацияси мусобақалари тақвимига кирувчи ўсмирлар, хотин-қизлар ва катталар ўртасида кўплаб халқаро турнирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳрида тўртинчи маротаба ташкил этилган "Челленжер" туркумидаги халқаро турнирда бу йил йигирмага яқин мамлакатдан кучли теннисчилар кортга чиқди.

Яккаликлар ўртасида ҳамюртимиз Денис Истомин турнир давомида беларуслик Владимир Игнатикни 3:6, 6:3, 7:6, германиялик Себастьян Ришикни 6:4, 6:3, яна бир ҳамюртимиз Мурод Иноятовни 6:2, 6:3, россиялик Константин Кравчукни 7:6, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди.

Ҳал қилувчи беллашувда эстониялик Юрген Зопп билан рақобатлашган Денис Истомин рақиби устидан 6:4, 6:3 ҳисобида зафар қучиб, бош совриннн соҳиби бўлди. Бу Денисниинг жорий мавсумда "Челленжер" туркумидаги халқаро турнирларда қўлга киритган тўртинчи совринидир. Денис август ойида Самарқанд ва Қаршида, сентябрда Туркиянинг Истанбул шаҳрида ташкил этилган "Челленжер" турнирларида зафар қучган эди.

Тошкентдаги "Челленжер" мусобақасининг жуфтлик беллашувларида украиналик Денис Молчанов ва финляндиялик Харри Хелиоварра дуэти финал баҳсида Жон Пол Фрутеро (АҚШ) ва Равен Клаасен (ЖАР) дуэтини 7:6, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратиб, турнир ғолиби бўлди.

ЎзА.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА

Ҳамюртимиз Ульяна Трофимова Франциянинг Монпелье шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, XXX ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида бадиий гимнастика ҳам тобора оммалашиб, халқаро миқёсдаги мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларимиз сафи тобора кенгаймоқда.

УЛЬЯНА «ЛОНДОН – 2012»да ИШТИРОК ЭТАДИ

Улардан бири Ульяна Трофимовадир. У Франциянинг Монпелье шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистонда барча спорт турлари қатори бадиий гимнастика ҳам жадал ривожланаётганини намойиш этди.

Мусобақада олтмишга яқин мамлакатдан келган кучли гимнастикачилар совринли ўринлар ва олимпия йўлланмалари учун баҳслашди. Қоидага биноан ғолиблар кўпкураш баҳслари – ҳалқа, тўп, булава ва тасмада машқ бажариш бўйича умумий натижаларга кўра аниқланди.

Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ульяна Трофимова жами 108,375 балл жамғариб, олимпия лицензиясини қўлга киритган энг кучли 15 гимнастикачи сафидан жой олди. Ҳамюртимиз қайд этган натижа осиёлик бадиий гимнастика усталари ўртасидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Жорий йилда қатор мамлакатларда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинлари ва мусобақаларда қатнашиб, Россия ва Исроилдаги "Гран-при", Греция ва Ўзбекистондаги жаҳон кубоги беллашувлари ҳамда Қозоғистонда ўтказилган Осиё чемпионатида бир неча маротаба шоҳсупага кўтарилган Ульяна энди Лондон Олимпиадасига тайёргарлик кўради.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҲИКОЯТ

БИР ПУФ КАМ БЎЛИБДИ

Бир йигит кулолга шогирд тушди. Анча муддат устазодалик қилгандан кейин устозидан фотиҳа олди ва ўзи мустақил ишлай бошлади. Бироқ ҳарчанд уринмасин, ясаган сопол идишлари устозиникидек чиройли чиқмади. Ниҳоят, у бош эгиб устоз ҳузурига келди.

– Уста, ясаган кўзаларим сизникидек чиқмаяпти, – деди ер чизиб.

Устоз шунақа бўлишини биларди. Кейинги пайтда шогирдининг, энди биз устага зор эмасмиз, ўзимиз уста бўлдик, деб керилганини эшитган эди. Шунинг учун у шогирдга кўза ясашнинг кўпгина сирларини ўргатди-ю, аммо синов учун битта сирни яшириб қолди.

– Нима бўлди, қани бир четидан айт-чи, – деди устоз. Шогирд ёзғирди:

– Ҳамма айтганларингизни қилдим, уста. Аввал лойни пишитдим. Сўнгра уни яхшилаб ийладим. Кейин тобига келсин деб, "дамлаб" қўйдим.

– Кейин?

– Кейин чархга қўйиб, кўза ясадим. Сўнг уни офтобга қўйиб қўйдим?..

– Хўш, хўш?

– Ундан кейин хумдонга солиб қизаргунча пиширдим. Яна офтобрўяга қўйдим. Яхшилаб қуритмоқчи бўлдим-да, уста.

Уста "маъқул" дегандек бош ирғади.

– Кейин десангиз кўзага гул сола бошладим. Бироқ қанча уринмай, сизникига ўхшаб ялтираб чиқмаяпти. Бир маслаҳат беринг, нима қилай, уста?

Устоз киноя қилди:

– Э, бир пуф қолиб кетибди-ю, ўғлим?

Шогирд ҳайрон бўлди:

– Қанақа "пуф" уста?

– Ахир хумдондан чиқариб, офтобга қўйгандан кейин кўзани яхшилаб пуфлаш керак. Шунда унга илашган чанг-чунг кетади. Бўлмаса, бўёқни яхши олмайди, демак кўзанг ялтирамайди.

– Бу гапни илгари айтмагандингиз, уста.

– Айтмабмидим, э, эсим қурсин, – деб маъноли кулимсиради уста.

Шогирд бир нарсани англагандай бўлди. Ҳеч қачон устозга шак келтириб бўлмас экан. Устоз отангдек улуғ, деган нақл ҳам бежиз айтилмаган экан...

Бу ибратли ҳикоятни Навоий бобомизнинг мана бу сатрлари билан якунлагим келади:

Агар шогирд шайхулислом, агар қозидир,
Агар устоз андин рози – Тангри розидур.

Саъдулла СИЁЕВ.

ҚАТРА

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Ўрмоннинг бир чеккасида шер ухлаб ётарди. Сичқон унинг устига чиқиб ўйнай бошлади. Шу пайт шер уйғониб кетди ва сичқонни тутиб олди.

– Қалайсан, миттивой? – деди шер. – Шундай сиқиб мажақлаб қўя қолайми?

– Ихтиёринг, – деди сичқон, – жоним қўлингда, ўлдирсанг ўлдиравер. Агар қўйиб юборсанг, бир кун келиб сенга яхшилик қиламан.

– Сенинг қўлингдан нима яхшилик келарди, – деди кулиб шер. Лекин сичқонга раҳм қилиб қўйиб юборди.

Бир куни шер овчиларнинг қўлига тушиб қолди. Уни дарахтга боғлаб қўйиб, тушлик қилгани ўтирдилар. Шер наъра тортди. Буни сичқон эшитиб қолди. Шипиллаб етиб келди. Қараса, раҳмдил шер дарахтда боғлиқ турибди. Сичқон дарров арқонни ғажишга тушди. Анчадан кейин ип узилди ва шер бандиликдан қутулиб кетди.

Кичкина деманг бизни деб шунга айтсалар керак-да.

СУРНАЙГА БАЛО БОРМИ?

Бўривой ойдалада ёлғиз юрган улоқни учратиб қолди.

– Учраганинг яхши бўлди, қорним оч эди, – деди бўри, – бир тўяди ган бўлдим.

Улоқ бундай қараса, бўридан қутулишнинг сира иложи йўқ. Ўйлаб-ўйлаб, охири ҳийлага ўтди:

– Майли, начора, – деди у, – есанг ейқол. Фақат битта илтимосим бор.

– Қанақа илтимос?

– Менинг битта сурнайчам бор. Шуни сен чалиб турсанг, мен ўлимим олдидан масза қилиб ўйнаб олсам, нима дединг?

Бўри рози бўлди. Улоқ унга сурнайини берди. Бўри чалди, улоқ дикирлаб ўйинга тушди. У ўйнаб-ўйнаб эчки подасига қараб юрди. Бир пайт бўрибосар итларини эргаштириб чўпон кўринди. Улоқ лип этиб пода ичига кириб кетди. Бўри эса сурнайни тишлаганча қолаверди.

– Минг лаънат сенга, бўривой! – деди у ўзига ўзи, – асли касбинг-ку, қассоблик бўлса, сурнай чалишингга бало бормиди?

Ростдан ҳам ҳар ким ўз ишини қилгани маъқул экан.

ҚАРНОҚЛИ тайёрлади.

КУЛГАНГА НИМА ЕТСИН

Афанди узр айтди

Насриддин афанди улфатлари билан чойхўрлик қилиб ўтирарди. Гапдан-гап чиқиб, қозихонага тақалди.

– Қозихона пораҳўрлар маконига айланди, – деди афанди, – маҳкамадагиларнинг ярми пора олади, ҳаром ейди. Бу гап қозикалоннинг қулоғига етди. У дарҳол афандини ҳузурига чорлаттирди.

– Мулла Насриддин, қозию қуззот шаънига бўҳтон сўзлар айтқони нечук ҳаддингиз сиғди? – деб ўшқирди у, – сўзингизни исботлаб беринг ёинки дарранинг остиға олдирғаймиз сизни...

Насриддин афанди кулди:

– Нима деб туҳмат қилибман, жаноб қозикалон, айтсинлар.

– Хотирингиздин фаромуш бўлдиму? Қозихона мулозимларининг қоқ ярми ришвахўр, пора олади, дегаимишсиз ёки ёлғонму?

– Э, уми, – деди афанди бепарво, – узр, тақсир, узр, биз андак хато қилибмиз. Мен қозихонадагиларнинг ярми пора олмайди, демоқчи эдим.

Қозикалон мамнун бўлди:

– Шунақа бўлсин, мулла Насриддин, бировларга туҳмат қилманг, гуноҳи азим бўлғай...

ХИТОЙ ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИ

Улкан одам балодан қўрқар,
Баланд дарахт шамолдан.

● ● ●

Кўзингни тез оч,
Бироқ оғзингни тез очма.

● ● ●

Қора сигир таёқ еса,
Сариқ сигирнинг юраги ўйнайди.

● ● ●

Сув пастга оқар,
Одам боласи юқорига интилар.

● ● ●

Ҳукмдор бамисоли қайиқ, халқ эса сув.
Сув истаса қайиқни суздиради, истаса – чўктиради.

● ● ●

Тинчлик ва хотиржамлик. Бу икки калима минг мисқол қуйма тиллодан афзал.

● ● ●

Яхшилик яширинган эшикни очмоқ мушкул,
Ёмонлик яширинган эшикни ёпмоқ мушкул.

● ● ●

Бойнинг пули – камбағалнинг кўзёши.

● ● ●

Ҳали юришни билмайди-ю, югуришни ҳавас қилиб қолибди.

Утерянный загранпаспорт Российской Федерации 64 № 2783751 от 21.05.2010 г. УФМС-552 на имя Мухамеджанова Ренада Фаридовича прошу вернуть за вознаграждение. Тел.: 983-71-78.

Утерянный диплом № АС 081516 от 01.07.1998 г., выданный Хамзинским железнодорожным колледжем (бывш. СПТУ-1, Железнодорожный лицей) на имя Исмаилова Олима Хакимбаевича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 11.07.2008 йилда 0105843 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор (ИНН 488953237) Усманов Улугбек Маратовичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамға, гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РАССОМ ХАНДАСИ

cartoon.kulichki.com

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ

Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 6919. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1234